

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«O'ZAGROLIZING» АЖ

Кузатув кенгашининг 2022 й. «23» июндаги
300-сонли йиғилиш баённомаси
Йиғилиш Раиси



Д.И. Холмуродов

2022 й. «23» июн

КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАР ЭМИССИЯСИ РИСОЛАСИ
«O'ZAGROLIZING» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Идентификация рақами берилди:	R	U	3	0	1	P	0	1	4	5	T	6
-------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Эгасининг номи ёзилган хужжатсиз (нақдсиз) шаклдаги, фоизли, 50 000 (эллик минг) дона
номинал қиймати 1 000 000 (бир миллион) сўмдан бўлган, 50 000 000 000 (эллик миллиард) сўм
миқдоридаги корпоратив облигациялар.

Бошқарув раиси: _____ Н.С. Отажонов

Бош ҳисобчи: _____ Ш. Қодирова

2022 й. «23» июн

Қимматли қоғозлар чиқарилишига доир ҳужжатларни тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатган
инвестиция маслаҳатчисининг номи: «SQB SECURITIES» МЧЖ
Инвестиция маслаҳатчиси билан тузилган шартнома рақами ва санаси №1/ККУ 19.10.2021 й.

Инвестиция маслаҳатчиси раҳбари: _____

С. Байилов

2022 й. «23» июн

РЎЙХАТДАН ЎТКАЗУВЧИ ОРГАН УШБУ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЭМИССИЯСИ РИСОЛАСИДАГИ
АХБОРОТНИНГ ТЎҒРИЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАР БЎЛМАЙДИ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР
ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ФАКТИ БИЛАН
ЖОЙЛАШТИРИЛАЁТГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРГА НИСБАТАН ЎЗ МУНОСАБАТИНИ
БИЛДИРМАЙДИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ
61-МОДДАСИГА МУВОФИҚ, ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ИНВЕСТИЦИЯ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА
ТАНЛАШ ВА ШУНГА МУВОФИҚ УШБУ ТАНЛОВНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ИНВЕСТИТОРНИНГ
ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИДИР.

ЖАМИЯТЛАР РИСОЛАДА КЕЛТИРИЛГАН БАРЧА МАЪЛУМОТЛАР ИШОНЧЛИЛИГИ,
ИНВЕСТИТОРЛАРНИ ЖАМИЯТЛАР ВА УЛАР ЖОЙЛАШТИРАДИГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР
МАСАЛАСИДА ЧАЛҒИТМАСЛИГИНИ ТАСДИҚЛАЙДИ.

1-боб. Жамият тўғрисида маълумот

1. Жамияти номи.

Ўзбек тилида:

Тўлиқ номи: «Ўзагролизинг» акциядорлик жамияти;

Қисқа номи: «Ўзагролизинг» АЖ

Лотин алифбосида:

Тўлиқ номи: «O'zagrolizing» aksiyadorlik jamiyati;

Қисқа номи: «O'zagrolizing» AJ

Рус тилида:

Тўлиқ номи: Акционерное общество «Узагролизинг»;

Қисқа номи: АО «Узагролизинг»;

Инглиз тилида:

Тўлиқ номи: «Uzagroleasing» joint-stock company

Қисқа номи: «Uzagroleasing» JSC

(Жамиятнинг тўлиқ ва қисқарган номи, жумладан, ташкилий-ҳуқуқий шакли)

2. Жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

а) бирламчи давлат рўйхатидан ўтган санаси ва рақами;

23.12.1999 й. 09-000205-сон Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги;

б) давлат рўйхатидан қайта ўтиш санаси ва рақами (қайта рўйхатдан ўтиш амалга оширилган бўлса);

1. 10.06.2014 й. 000205-сон реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш Инспекцияси;

2. 14.12.2016 й. R-09-000205-сон реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш “Ягона дарча” маркази томонидан;

3. 16.02.2017 й. 09-000205-сон реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларига ягона дарча тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш “Ягона дарча” маркази томонидан;

4. 25.07.2018 й. 09-000205-сон реестр рақами билан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармасининг Шайхонтоҳур тумани давлат хизматлари маркази томонидан;

5. 29.11.2018 й. 09-000205-сон реестр рақами билан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармасининг Шайхонтоҳур тумани давлат хизматлари маркази томонидан;

6. 13.05.2020 й. 09-000205-сон реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Яккасарой туман давлат хизматлари маркази томонидан.

в) номи ўзгарган бўлса, аввалги барча қисқарган ва тўлиқ номлари, шунингдек, ўзгартирилган саналар кўрсатилади;

«O'zqishloqxo'jalikmashlizing» акциядорлик лизинг компанияси номи Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2016 йил 17 ноябрдаги ПФ-4857-сонли Фармони асосан «O'zagrolizing» aksiyadorlik jamiyati деб ўзгартирилган.

Шу асосда, 14.12.2016 й. R-09-000205-сон реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш “Ягона дарча” маркази томонидан Жамият қайта давлат рўйхатидан ўтказилган.

д) агар жамият юридик шахс (шахслар)ни қайта ташкил этиш натижасида ташкил топган бўлса, қайта ташкил этилган шахслар ва (ёки) жамиятларнинг вориси эканлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрда сонли “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компаниясини ташкил тўғрисида”ги қарори ва Таъсисчилар томонидан 1999 йил 26 ноябрда имзоланган Ташкил шартномасига мувофиқ, ташкил этилган Акциядорлик жамияти “O'zqishloqxo'jalikmashlizing” акциядорлик лизинг компаниясининг номи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2016 йил 17 ноябрдаги ПФ-4857-сонли Фармони асосан “O'zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati деб ўзгартирилди.

“O'zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича “O'zqishloqxo'jalikmashlizing” акциядорлик лизинг компаниясининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3929-сонли Қарорига асосан “O'zagrolizing” AJ “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ ташкилий тузилмасидан чиқарилган.

3. Жамиятнинг жойлашган жойи, телефон ва факс рақамлари, расмий веб-сайт ва электрон почта маълумотлари.

Жамиятнинг жойлашган манзили (почта манзили):

100011, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 42А-уй

Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.uzal.uz

E-mail: info@agroleasing.uz

Телефон: +998 71 207-30-47, Факс: +998 71 207-30-41

4. Жамиятнинг банк реквизитлари.

Банк номи: “Агробанк” АТБ;

МФО: 00394;

Хисоб рақами: 2021 0000 9040 2125 1001

5. Жамиятнинг солиқ органи номи ва СТИР.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси.

СТИР: 203 071 206

6. Давлат статистика органи томонидан берилган кодлар.

1	КТУТ хос рақами (ОКПО)	17489494
2	ХХТУТ бўйича асосий фаолият тури (ОКЭД)	64910
3	МШТ бўйича мулкчилик шакли (КФС)	100
4	ТХШ бўйича ташкилий-ҳуқуқий шакли (КОПФ)	153
5	Манзили (МХОБТ бўйича тўлиқ хос рақами) (СОАТО)	1726287

7. Рейтинглار мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар.

Жамият “Standard and Sensitive Ratings” Рейтинг Агентлиги томонидан ўзаро икки томонлама тузилган шартномага мувофиқ баҳолашдан ўтказилган.

“STANDARD AND SENSITIVE RATINGS” рейтинг агентлиги 2019 йил апрел ойида Ўзбекистон рейтингини яхшилашга қаратилган Ҳукумат қарорларини амалга ошириш доирасида ҳамда республика молия-кредит институтларига рейтинг хизматларини кўрсатиш мақсадида ташкил этилган. Кредит ва тўлов қобилияти рейтингини бериш Ўзбекистон Республикаси молия-кредит институтларининг рейтинг

баҳосини ўтказиш учун “SNS RATINGS” PA томонидан ишлаб чиқилган тартиб ва услубий тавсиялар доирасида амалга оширилади.

а) “Standard and Sensetive Ratings” PA томонидан Жамият “Эмитент рейтинги” бўйича баҳолашдан ўтказилган.

б) “Standard and Sensetive Ratings” рейтинг агентлиги “O'zagrolizing” AJ қимматли қоғозлар эмитенти корхонасига миллий миқёсда **2021 йил** якунлари бўйича **“барқарор” (стабильный) прогнози билан (uz) “AA”** даражасида бирламчи рейтинг баҳосини беради.

в) Тўлиқ номи: “Standard and Sensetive Ratings” Рейтинг агентлиги Маъсулияти чекланган жамият.

Қисқа номи: “SNS RATINGS” PA МЧЖ.

Юридик ва почта манзиллари: 100007, Тошкент ш., Мирзо-Улугбек тумани, Бузбозор кўч., 5-уй.

Алоқа телефони: +998 71 268-34-31.

Электрон почта: info@snsratings.uz.

г) рейтинг тўғрисида жамият билдиришни маъқул топган бошқа маълумотлар.

(uz) “AA” рейтингига эга бўлган акциядорлик жамияти бошқа ташкилотларга нисбатан кредит таваккалчилигининг энг паст даражасини акс эттирувчи **ЭНГ ЮҚОРИ** кредитга лаёқатлилиқ ва ишончилиқ даражасига эга.

Ушбу рейтинг кредиторлар, омонатчилар ва инвесторлар олдидаги молиявий мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш учун “энг юқори” қобилиятига эга бўлган муассасаларга берилади.

8. Жамият филиаллари ҳамда вакилликлари тўғрисида маълумот.

№	Тўлиқ номи	Филиал директори	Жойлашган манзили	Боғланиш учун маълумот
1	Қорақалпоғистон Республикаси филиали	Бабаджанов Закиржан Самандарович	Нукус шаҳри, Қорақалпоғистонни 60 йиллиги кўчаси, 6 уй.	94 146-07-77
2	Андижон вилоят филиали	Мухаммаджанов Шохрухбек Маҳмуджанович	Аждижон шаҳри, А.Фитрат кўчаси, 214А уй.	97 272-05-05
3	Бухоро вилоят филиали	Ҳафизов Завқиддин Шокировитчович	Бухоро шаҳри, Б.Накшбандий кўчаси, 159/2 уй.	90 966-30-80
4	Қашқадарё вилоят филиали	Яхшибоев Суюн Мўминович	Қарши шаҳри, И.Каримов кўчаси, «O'zagrolizing» AJ уйи	97 200-57-31
5	Навоий вилоят филиали	Атакулов Хотам Кўчкорович	Навоий шаҳри, Меморлар кўчаси, 2А уй.	90 730-00-26
6	Наманган вилоят филиали	Турғунбаев Шухрат Апсаттарович	Наманган шаҳри, Бобур шох кўчаси, 138 уй	90 982-70-10
7	Самарқанд вилоят филиали	Урунов Валижон Тошмурадович	Самарқанд вилоят, Оқдарё туман, Дархон МФЙ, Найман массиви, 6 уй.	90 966-30-80
8	Сирдарё вилоят филиали	Холиқбердиев Илхом Мамаюсупович	Гулистон шаҳар, Н.Зокиров кўчаси 148 уй.	97 275-77-79

9	Сурхондарё вилоят филиали	Муратов Расул Назарович	Термиз шаҳар, Баркамол Авлод кўчаси, 19 уй.	90 960-70-10
10	Тошкент вилоят филиали	Норбутаев Илхом Шомуратович	Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани Бобур кўчаси 42А уй.	90 997-75-11
11	Фарғона вилоят филиали	Эркаев Эркин Юлдашевич	Фарғона шаҳар, Бўстон кўчаси, 12 уй.	90 583-55-20
12	Хоразм вилоят филиали	Ражабов Бахтиёр Шарифбаевич	Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 36/2 уй.	90 988-70-10

9. Шуъба ва (ёки) тобе юридик шахслар тўғрисида маълумот (мавжуд бўлган тақдирда).

№	Тўлиқ номи	СТИР	Манзили	Боғланиш учун маълумот	Асос
1	“UZMASHLIZING” масъулияти чекланган жамияти	301 562 795	Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани Бобур кўчаси 42А уй	97 448-18-43	Жамият устав капитали тўлиғича «O'zagrolizing» AJга 100% тегишли
2	“LIZING TEXNIKA SERVIS” масъулияти чекланган жамияти	303 255 559	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Султонали Машҳадий кўчаси, 210 уй	90 315-97-34	Жамият устав капитали тўлиғича «O'zagrolizing» AJга 100% тегишли
3	“LIZING AXBOROT TEXNOLOGIYALARI” масъулияти чекланган жамияти	302 681 244	Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Абай кўчаси, 4А уй	97 409-40-90	Жамият устав капитали тўлиғича «O'zagrolizing» AJга 100% тегишли

10. Жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида жойлашган саноат, банк, молиявий гуруҳлар, холдинглар, концернлар, уюшмалар, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига тегишлилиги, товар, валюта, фонд, бошқа биржалардаги аъзолиги, уларнинг тўла номлари ва манзиллари кўрсатилган ҳолда.

Жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида жойлашган саноат, банк, молиявий гуруҳлар, холдинглар, концернлар, уюшмалар, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига тегишлилиги, товар, валюта, фонд, бошқа биржалардаги аъзоликлари мавжуд эмас.

11. Жамиятнинг ташкилий тузилмаси.

(Маълумотлар мазкур рисолага иловада кўрсатилиши мумкин.)

Жамият ташкилий тузилмаси нусхаси мазкур рисоланинг 1-сонли иловасида келтирилган.

12. Ишчиларнинг охирги 3 йил учун ўртача йиллик сони (одамлар):

Давр	Жами	Шундан			
		бошқарув ходимлари сони	ишлаб чиқариш ходимлари сони	хизмат кўрсатувчи ходимлар сони	техник ходимлар сони
2019 й.	338	130	144	47	17
2020 й.	354	126	158	48	22
2021 й.	383	126	188	50	20

13. Жамият устав капиталининг 5 ва ундан ортиқ фоизига эга бўлган ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар (ушбу илованинг 11-бандида кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно).

Жамият устав капиталининг 5 ва ундан ортиқ фоизига эга бўлган ташкилотлар мавжуд эмас (ушбу илованинг 11-бандида кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно).

14. Корпоратив бошқарув кодексининг жамият томонидан қабул қилинган санаси (агар Низомда уни қабул қилиш кўзда тутилган бўлса).

Акциядорлар умумий йиғилишининг 28 май 2016 йилдаги 01/2016-сонли қарори билан жамият томонидан Корпоратив бошқарув кодексига риоя қилиш мажбурияти қабул қилинди.

15. Жамият қимматли қоғозларини харид қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун ошкор қилиниши муҳим деб билган бошқа маълумотлар.

Жамият қимматли қоғозларини харид қилиш учун ошкор қилиниши муҳим деб билган бошқа маълумотлар мавжуд эмас.

2-боб. Келгуси қимматли қоғозлар чиқарилишини муомалага киритиш шартлари

17. Келгуси облигациялар чиқарилиши шартлари.

а) облигациялар чиқарилиши ҳақида маълумотлар:

- облигациялар тури:

Эгасининг номи ёзилган, фоизли, ҳужжатсиз (нақдсиз) шаклдаги, корпоратив облигациялар.

- облигациянинг номинал қиймати, сўмда:

1 000 000 (бир миллион) сўм.

- облигациялар сони:

50 000 (эллик минг) дона.

- облигациялар чиқарилишининг умумий ҳажми:

50 000 000 000 (эллик миллиард) сўм.

- тўлов усули ва жойлаштириладиган облигациялар нархи (қиймати):

Облигациялар тўлов усули нақдсиз ҳисоб-китоблар орқали пул ўтказиш йўли билан Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида амалга оширилади.

Облигациялар бўйича пулсиз воситалар билан тўловлар кўзда тутилмаган.

Ушбу чиқарилишдаги бир дона облигацияларнинг қимматли қоғозларнинг уюшган биржа бозорларидаги бошланғич чиқариш нархи 1 000 000 (бир миллион) сўми ташкил этади.

Облигацияларнинг жойлаштириш нархи номинал қийматидан, яни 1 000 000 (бир миллион) сўмдан инвесторлар - юридик ва жисмоний шахслар ўртасида оммавий усулда (очиқ обуна йўли билан) жойлаштирилади.

Ушбу чиқарилишдаги облигациялар «O'zagrolizing» AJнинг акцияларига айирбошланмайди. Шу сабабли овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган жойлаштириладиган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқлар кўзда тутилмаган.

б) облигациялар бўйича даромад олиш:

Облигациялар бўйича мукофотни аниқлаш тартиби;

Мазкур облигациялар бўйича фоизли даромадлар йиллик ҳисобда 23 (йигирма уч) фоизни ташкил қилади.

Битта облигацияга 1, 2, 3 ва 4-чи оралиқ даврлар учун фоизли даромад қуйидагича аниқланади:

$$D_n = N * C_n * (T - T_f) / 365$$

D_n – облигация бўйича ҳисобланган фоизли даромад;

N – облигациянинг номинал қиймати;

C_n – облигациянинг фоиз ставкаси (йиллик ҳисобида), n -оралиқ даврнинг тартиб рақами ($n=1, 2, 3, 4$);

T – 91 кунлик жойлаштириш даврларнинг охири санаси;

T_f – ҳисобланган оралиқ даврдаги, облигациянинг сотиб олинган санаси.

****Изоҳ: Оралиқ давр фоизли даромад миқдори бир тийинга қадар аниқлик билан белгиланади.*

Битта облигацияга оралиқ давр учун фоизли даромад қуйидагича аниқланади:

$$D_n = N * C_n * T / 365$$

D_n – облигация бўйича ҳисобланган фоизли даромад;

N – облигациянинг номинал қиймати;

T – 91 кунлик жойлаштириш даврларнинг охири санаси;

C_n – облигациянинг фоиз ставкаси (йиллик ҳисобида), n -оралиқ даврнинг тартиб рақами ($n=1, 2, 3, \dots 6$);

****Изоҳ: Оралиқ давр фоизли даромад миқдори бир тийинга қадар аниқлик билан белгиланади.*

Облигациялар бўйича мукофотни тўлаш даврийлиги ва (ёки) облигациялар бўйича мукофотни тўлаш санаси;

Облигация эгаларининг фоизли даромадлари облигациялар муомала даврининг 91, 182, 273, 364, 455, 546-чи кунларига ёпилган облигация эгалари реестри асосида ҳисобланиб тўлаб берилади.

“O'zagrolizing” AJ томонидан облигациялар бўйича ҳисобланган фоизли даромадлар Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантириладиган облигация эгаларининг реестрида қайд этилган маълумотлар асосида тўланади.

Облигация эгалари реестри ёпилган кундан фоизли тўловлар реестрда қайд этилган облигация эгаларига уларнинг хизмат кўрсатувчи банклардаги реквизитларига 10 (ўн) банк иш куни мобайнида амалга оширилади.

облигациялар бўйича мукофотни тўлашни бошлаш санаси;

Ҳар бир облигация бўйича фоизли даромадни муомала муддати давомида ҳар 91 кунлик оралиқ даврлар учун ҳисобланади ва тўланади. Бунда облигация бўйича фоизли даромадларни тўлаш оралиқ даврларнинг якунига ўрнатилган тартибда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигация эгалари реестрига асосан амалга оширилади. 1-чи оралиқ даврнинг бошланиш санаси облигацияларни жойлаштириш бошланиш санасига тўғри келади, шунингдек кейинги оралиқ даврларнинг бошланиш саналари тартиб бўйича 92, 183, 274, 365, 456, 547-чи кунларга тўғри келади.

облигациялар бўйича мукофотни тўлаш тартиби ва усуллари, облигациялар бўйича мукофотни олиш усуллари;

Облигация эгалари реестри ёпилган кундан фоизли тўловлар реестрда қайд этилган облигация эгаларига уларнинг хизмат кўрсатувчи банклардаги реквизитларига 10 (ўн) банк иш куни мобайнида пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилади.

Агар облигация эгаси ўзининг эгалигидаги облигацияларни оралиқ даврлар оралиғида бошқа шахсга ўтказганда, яъни сотганда ушбу облигациянинг эгалиги бўйича сотиб олган шахс 5 кун ичида, ушбу жамият облигацияларни олганлиги юзасидан жамиятга хабар бериши мумкин.

Облигациялар бўйича фоиз даромадларининг тўлови графиги жамият томонидан ишлаб чиқилади ва жамиятнинг интернет веб-сайтида (www.uzal.uz) облигацияларни жойлаштириш бошланган санадан кейин 10 кун ичида эълон қилинади.

в) облигацияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари:**жойлаштириш усули;**

Мазкур чиқарилишдаги корпоратив облигациялар сони чекланмаган инвесторлар орасида оммавий усулда (очиқ обуна йўли билан) жойлаштирилади.

ушбу чиқарилишдаги облигацияларни сотиб олишга бўлган чекловлар;

Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни сотиб олинишига чекловлар кўзда тутилмаган.

облигацияларни жойлаштириш муддати ва тартиби;

Мазкур чиқарилишдаги облигациялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб бир йил давомида жойлаштирилади.

Облигацияларни жойлаштиришни бошланиш санаси – мазкур облигацияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар оммавий ахборот воситаларига эълон қилинган санадан кейинги ўн бешинчи кун. Агар облигацияларни жойлаштиришнинг бошланиш санаси жамият ҳисоб-китоб операциялари учун дам олиш кунига тўғри келса, бу ҳолда облигацияларни жойлаштиришнинг бошланиш санаси ушбу кунлардан кейинги биринчи иш кунига кўчирилади.

Облигацияларнинг жойлаштиришнинг тугаш санаси – ушбу чиқарилишнинг охириги облигациялар жойлаштирилган куни ҳисобланиб ушбу сана мазкур чиқариш давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб бир йилдан ошмаслиги лозим.

Ушбу облигациялар қимматли қоғозларнинг уюшган биржа савдолари орқали юридик ва жисмоний шахслар ўртасида оммавий усулда жойлаштириш йўли билан амалга оширилади.

облигациялар реализация қилинадиган жойлар (қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг номи ва унинг маълумотлари);

Ушбу чиқарилишдаги облигациялар “Тошкент” Республика фонд биржасида биржа қоидаларига асосан битимлар тузиш йўли билан жойлаштирилади.

“Тошкент” Республика фонд биржаси акциядорлик жамияти

100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107-уй.
info@uzse.uz, www.uzse.uz, +998 71 267-18-23.

г) облигациялар муомаласи тартиби ва шартлари;

Облигациялар муомаласи белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтганидан ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига ҳисобга қўйилганидан сўнг амалга оширилади. Облигациялар эмитентга хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачисидagi депо ҳисоб рақамига кўчирилади.

Мазкур чиқарилишдаги облигацияларнинг муомала муддати ушбу чиқарилишдаги облигацияларни жойлаштириш бошланиш санасидан бошлаб 546 (беш юз қирқ олти) кун.

Муомала муддати фоизларни тўлаш мақсадида ҳар бири 91 кундан иборат бўлган 6 та оралиқ даврларга бўлинган.

Облигациялар муомаласи олди-сотди битимларини тузиш, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган, қимматли қоғозлар эгасининг ўзгаришига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар билан амалга оширилади.

Облигациялар биржа ва биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида муомалада бўлиши мумкин. Облигацияларга бўлган ҳуқуқлар олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачиси томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Облигация билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар ушбу облигацияга бўлган ҳуқуқлар ўтган кундан эътиборан олувчига ўтади.

д) облигацияларни сўндириш тартиби ва шартлари:

облигацияларни сўндириш санаси;

Облигацияларни сўндириш санаси, жойлаштиришни бошланиш санасидан бошлаб 547 (беш юз қирқ еттинчи) кунга ўтган кун ҳисобланади.

Мазкур корпоратив облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига тегишли облигацияларнинг эгалари ўзларига тегишли облигацияларга тўлиқ сўндириш санасигача эгалик қилиш ҳуқуқига эга.

облигацияларни сўндириш усули;

Эмитент, сўндириш санасига Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигация эгаларининг реестри асосида пул маблағларини қайтаради.

Мазкур реестр Қимматли қоғозлар марказий депозитарийдан сўндириш кунидан 5 (беш) банк иш куни давомида олинади.

Пул маблағларини қайтариш муддатлари облигациялар сўндириш кунидан бошлаб 10 (ўн) банк иш куни давомида амалга оширилади. Тўловларни амалга ошириш мақсадида ажратилган кунлар учун фоизлар тўланмайди.

Облигацияларнинг сўндирилиши нақдсиз ҳисоб-китоблар орқали Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси сўмда облигацияларнинг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

Мазкур облигация эмиссия рисоласига мувофиқ облигацияларни сўндиришда мукофот ва бошқа мулкӣ ҳуқуқлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш кўзда тутилмаган.

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийда акс эттирилган облигация эгаларининг банк реквизити маълумотлари юзасидан (хизмат кўрсатувчи банк номи ва коди, ҳисоб-китоб рақамлари) “O'zagrolizing” AJ жавобгар бўлмайди.

е) облигацияларни муддатидан олдин сўндириш имконияти ва шартлари;

Жамият Кузатув кенгаши жамият Уставининг 90-бандига мувофиқ мазкур облигацияларни муддатидан олдин жамият ихтиёри билан қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эгадир.

Облигация эгаси облигацияларнинг 364 ва 455 кунлар оралик даврлари тугашидан камида 10 (ўн) иш кунидан олдин ҳамда мазкур облигацияларнинг эмиссия рисоласи 17-банди о) қисмида кўрсатилган ҳолларда жамиятга ушбу облигацияларни муддатидан олдин сўндириш бўйича ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Жамият облигация эгаси юқоридаги муддатларга амал қилган ҳолда, ўзига тегишли бўлган облигацияларни муддатидан олдин сўндириш бўйича аризасини жамиятга тақдим қилади.

Жамият ушбу облигация эгасининг муддатидан олдин облигацияларини сўндириш бўйича аризаси келиб тушган кунда, “O'zagrolizing” AJ Кузатув кенгаши ушбу облигацияларни муддатидан олдин сўндириш бўйича қарор қабул қилиши мумкин, ва қарор ижобий қабул қилинганидан сўнг баҳоси (қиймати) ва ушбу облигация бўйича ҳисобланган фоизли даромадларини тўлаш шартлари ҳамда Қимматли қоғозлар марказий

депозитарийсидан ушбу облигацияларни аракатсизлантириш санасига облигация эгалари реестрини тузиш бўйича топшириқнома бериш юзасидан қарорлар қабул қилади.

Жамият мазкур қарорига мувофиқ облигация эгасига облигациянинг номинал қиймати ҳамда ушбу облигация бўйича ҳисобланган фоизли даромадларини ариза олинган пайтдан бошлаб 10 (ўн) банк иш куни ичида аризада кўрсатилган банк реквизитига ўтказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Облигация эгасига жамият Кузатув кенгаши қарори қабул қилинган кунидан бошлаб, мазкур облигацияларга тўловларни амалга ошириш мақсадида ажратилган кунлар учун фоизлар тўланмайди.

Жамият мазкур облигация эгаларининг облигацияларини муддатидан олдин сўндириш бўйича Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига облигация эгалари реестрини тузиш бўйича топшириқнома беради.

Жамият облигацияларни муддатидан олдин сўндириш тўғрисида облигация эгаларини 10 (ўн) банк иш кунидан олдин ёзма шаклда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийдан олинган облигация эгаларининг реестрида акс эттирилган манзиллар бўйича хабардор қилади.

Бу ҳолатда жамият облигация эгаларига облигациянинг номинал қиймати ҳамда облигация бўйича ҳисобланган фоиз даромадларини жамият Кузатув кенгаши қарор қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) банк иш куни ичида Қимматли қоғозлар марказий депозитарийдан олинган облигация эгалари реестрида кўрсатилган банк реквизитига ўтказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Жамият ихтиёри билан облигацияларни муддатидан олдин сўндириш бўйича Кузатув кенгаши қарори қабул қилинган кунидан бошлаб, мазкур облигацияларга тўловларни амалга ошириш мақсадида ажратилган кунлар учун фоизлар тўланмайди.

Жамиятнинг облигацияларни муддатидан олдин сўндириш тўғрисидаги ахборот ўрнатилган тартибда жамиятнинг веб-сайтида (www.uzal.uz) ва оммавий ахборот воситалари орқали қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда ошкор қилинади.

ж) қимматли қоғозлар чиқарилиши ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, жамият томонидан облигациялар учун тўлов сифатида олинган маблағларни қайтариш тартиби;

Облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топиш тўғрисидаги маълумот белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида, шунингдек корпоратив маълумотларнинг ягона портали, фонд биржасининг расмий веб-сайтида ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

Облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган сана ҳолатига шакллантирилган корпоратив облигациялар эгаларининг реестри асосида, облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун мобайнида реестрда қайд этилган шахсларга облигацияларнинг номинал қиймати ва уларга ҳисобланган фоиз даромадлари тўлаб берилади.

Тўловларни амалга ошириш мақсадида ажратилган кунлар учун фоизлар тўланмайди.

Облигацияларнинг чиқарилиши амалга ошмаган деб топилганлиги юзасидан олинган реестрда облигация эгасининг банк реквизитлари тўлиқ ва/ёки ахборот аниқ бўлмаслиги (ҳисоб рақами, банк коди ва бошқалар) сабабли облигациянинг номинал қиймати ва унинг бўйича ҳисобланган фоиз даромадларининг тўлови кечиктирилиши, шунингдек бундай кечиктиришнинг оқибатлари юзасидан «O'zagrolizing» AJ жавобгар бўлмайди.

Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун облигациялар эгалари ўзларининг банк реквизитлари кўрсатилган ҳолда жамиятга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

з) айирбошладиган облигациялар тўғрисида маълумот;

Ушбу чиқарилишдаги облигациялар овоз берувчи акцияларига айирбошлаш кўзда тутилмаганлиги муносабати билан, жойлаштирилаётган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ кўзда тутилмаган.

и) ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича таъминот;

Мазкур чиқарилишдаги облигациялар жамият ўз маблағлари доирасида чиқарилувни амалга ошираётганлиги сабабли, таъминот зарурияти мавжуд эмас.

к) гаров сифатида тақдим этилган мол-мулкни баҳолашда қатнашган баҳоловчи ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар;

Мазкур чиқарилишдаги облигациялар жамият ўз маблағлари доирасида чиқарилувни амалга ошираётганлиги сабабли, таъминот зарурияти мавжуд эмаслиги учун, баҳоловчи ташкилотлар жалб қилинмаган.

л) банк кафолатини тақдим этган банк тўғрисидаги маълумотлар;

Мазкур чиқарилишдаги облигациялар бўйича банк кафолати мавжуд эмас.

м) облигацияларнинг ушбу чиқарилиши бўйича жамиятнинг мажбуриятларини суғурталаган суғурта ташкилоти тўғрисида маълумотлар;

Мазкур чиқарилишдаги облигациялар жамият ўз маблағлари доирасида чиқарилувни амалга ошираётганлиги сабабли, ушбу чиқарилиш бўйича жамиятнинг мажбуриятларини суғурталанмаган.

н) облигацияларни жойлаштиришдан олинган пуллардан фойдаланишнинг мақсади;

Жамият устави ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мазкур корпоратив облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағлар қишлоқ хўжалиги техникасига муҳтож бўлган юридик ва жисмоний шахсларга лизинг беришга йўналтирилади.

о) облигациялар эгасига бериладиган ҳуқуқлар;

Мазкур чиқарилишдаги ҳар бир корпоратив облигация ўз эгаларига қуйидаги ҳуқуқлар беради:

- Мазкур чиқарилишдаги ҳар бир корпоратив облигация ўз эгаларига бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради. Корпоратив облигация эгалари эмитентдан мазкур чиқарилишдаги назарда тутилган муддатда корпоратив облигациянинг номинал қийматини ва облигациянинг номинал қийматидан белгиланган фоизни олиш;

- Облигация эгалари қимматли қоғозлар бозоридаги ўз таваккалчиликларини суғурта қилдириш;

- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

- «O'zagrolizing» AJ қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда корпоратив облигация эгалари корпоратив облигацияларни муддатидан олдин сўндиришни талаб этиш;

- «O'zagrolizing» AJ нинг корпоратив облигациялари чиқарилиши амалга ошмаган ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, корпоратив облигация эгалари эмитентдан корпоратив облигациянинг номинал қиймати ва у бўйича мазкур чиқарилишдаги белгиланган тартибда ҳисобланган фоизни талаб қилиш;

- Иккиламчи фонд бозорининг мазкур корпоратив облигацияга бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан нархда ўзига тегишли корпоратив облигацияларни исталган вақтда учинчи шахсга сотиш ва қайта сотиб олиш, ёки қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа йўллар билан бошқа шахсга бериш;

- «O'zagrolizing» AJ фаолиятини тугатиш даврида кредиторлар талаблари қондирилганидан сўнг, сўндирилмаган корпоратив облигациялар бўйича белгиланган мажбуриятларни бажарилмаган қисмига тенг, унинг тақсимланаётган активларини амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланган тартибда олиш;

- Жамиятнинг ўз капитали миқдори камайганида ёки унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганида, жамият томонидан облигацияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш;

- Облигациялар бўйича эмитент томонидан тўлов мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда ушбу масала юзасидан давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколат берилган органда, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

п) инвестор томонидан сотиб олинган облигациялар бўйича олинган даромадни солиққа тортиш тўғрисидаги маълумот;

Инвестор томонидан сотиб олинган жамият облигацияларига ҳисобланган фоизли даромадлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Солиқ Кодексида мувофиқ, фоизли даромадларга белгиланган солиқ ставкаларига асосан даромад солиғига тортилади.

Жамият облигация эгаларига, облигациялар бўйича ҳисобланган фоизли даромадларини амалдаги солиқ ставкаларига мувофиқ ҳисоблаб, солиқ тўловини чегирган ҳолда тўловлар амалга оширади.

Облигация эгасига даромад солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар (даромад солиғини тўлашдан озод этиш киритилган ҳолда) қўлланилган тақдирда, бундай облигация эгаси жамиятни олдиндан солиқ имтиёзи мавжудлиги юзасидан хабардор этиши шарт.

Ушбу хабарномада инвестор мажбурий тартибда қуйидаги ахборотларни баён этиши лозим:

- Солиқ имтиёзини қўллаш учун асос бўлиб ҳисобланган меъёрий ҳужжат номи (ушбу меъёрий ҳужжатнинг нусхасини хатга илова қилинган ҳолда);

- Облигация эгасига бундай имтиёз қўлланилиши учун асос.

Инвестор мазкур имтиёзни қўллаш бўйича хабарномани облигацияларнинг оралиқ даври якунига қадар, камида беш календарь кундан кечиктирмасдан жамиятга тақдим этилиши шарт.

р) рўй бериши оқибатида жамиятнинг облигациялари бўйича мажбуриятлар бажарилмаслиги эҳтимоли бўлган ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар;

Жамият облигациялар бўйича мажбуриятларини қуйидаги вазиятлар юзасидан бажара олмаслиги мумкин:

- Жамият акциядорларнинг умумий йиғилишида жамиятни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда;

- Жамият фаолиятини мажбурий (ҳукумат қарорлари) шаклда тугатиш тўғрисидаги қарор қилинганда;

- Жамиятни аудиторлик ташкилоти томонидан йил якунлари бўйича тўловга лайёқатсиз деб топилганда;

Жамият қуйида кўрсатилган маълумотларини белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида, шунингдек корпоратив маълумотларнинг ягона портали, фонд биржасининг расмий вэб-сайтида ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

Юқоридаги вазиятлар юзага келганда, жамият мажбуриятларини бажара олмаслигини олдини олиш мақсадида жамият томонидан захира фонди ташкил қилинган бўлиб, хусусан жамият Уставининг 63-бандида “Жамиятнинг захира фонди бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади” деб келтирилган.

Жамият облигациялар бўйича мажбуриятларни бажара олмаслиги ёки лозим даражада бажара олмаслиги юзасидан қарор қабул қилиш кунига Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан облигация эгалари реестрини олади. Жамият мазкур реестрни олиш бўйича Қимматли қоғозлар марказий депозитарийга 5 (беш) банк иш кунидан олдин облигация эгалари реестрини шакллантириш учун белгиланган тартибда топшириқнома беради.

Қимматли қоғозлар марказий депозитарий томонидан тақдим қилинган облигация эгалари реестрига мувофиқ, жамият облигациялар бўйича мажбуриятларни бажара олмаслиги ёки лозим даражада бажара олмаслиги юзасидан кузатув кенгаши йиғилиши кун тартибида кўриб чиқиб, (облигацияларини муомаладан чиқариш ва уларга ҳисобланган фоизларни тўлаш юзасидан) қарорлар қабул қилади.

Облигациялар бўйича мажбуриятларни бажариш имконсиз бўлган тақдирда, облигациялар бўйича фоизларни тўлаш мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда облигация эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мумкин бўлган ҳаракатлари қуйидагилар:

- жамиятга бажарилмаган мажбуриятларини қонунчиликда белгиланган тартибларда бажарилиши юзасидан мурожаат қилиш;
- қимматли қоғозлар бозорида ўз ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ва бошқа давлат органларига ариза билан мурожаат қилиш.

с) жамият облигациялар бўйича мажбуриятларини бажаришдан бош тортган тақдирда, облигациялар эгалари ҳаракатларининг тавсифи;

Жамият облигациялар бўйича даромадларни қайтариш ва тўлаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги бўйича жамият кузатув кенгаши қарори қабул қилинган кундан 5 (беш) банк иш куни ичида, облигация эгаларини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигация эгаларининг реестрида қайд этилган маълумотлар асосида ёзма шаклда хабардор қилади ҳамда белгиланган тартибда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи веб-сайти ва жамият веб-сайтида эълон қилади.

Жамият кузатув кенгаши йиғилишида, жамият облигациялар бўйича бажарилмаган мажбуриятлар миқдори, мажбуриятларнинг бажарилмаслигининг сабаби, шунингдек, облигациялар эгаларининг ўз талабларини қондириш бўйича ҳаракатлари таснифи баён қилинади.

Жамият облигациялар бўйича мажбуриятларини бажаришдан бош тортган тақдирда, облигация эгалари ўз талабларини қондириш бўйича мумкин бўлган ҳаракатлари қуйидагилар:

- жамиятга бажарилмаган мажбуриятларини қонунчиликда белгиланган тартибларда бажарилиши юзасидан мурожаат қилиш;
- қимматли қоғозлар бозорида ўз ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ва бошқа давлат органларига ариза билан мурожаат қилиш.

т) жамиятнинг тўлов агенти тўғрисидаги маълумот (мавжуд бўлган тақдирда);

Мазкур облигациялар чиқарилишида облигациялар бўйича мажбуриятларнинг нақд пулда тўланиши кўзда тутилмаган сабабли, тўлов агенти жалб қилинмаган.

3-боб. Эмиссия тўғрисидаги қўшимча маълумотлар

18. Ушбу қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган жамият органи ва қарор қабул қилинган сана.

Мазкур қимматли қоғозлар чиқарилиш қарори «O'zagrolizing» AJ Кузатув кенгашининг 2022 йил 23 июндаги йиғилиш қарори билан тасдиқланган.

19. Ушбу чиқарилиш бўйича жамият томонидан жалб қилинган қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ҳақида маълумот.

Мазкур облигацияларни жойлаштириш жараёни “SQB Securities” МЧЖ билан тузилган андеррайтерлик шартномасига мувофиқ амалга оширилади.

Андеррайтер тўғрисида маълумотлар:

- Тўлиқ номи: “SQB Securities” масъулияти чекланган жамияти.
- Ташкилий ҳукукий шакли: масъулияти чекланган жамият.
- Жойлашган ери ва почта манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 3-уй.
- Алоқа телефони: +998 71 244-55-15, +998 97 134-12-77.
- Электрон почта: info@sqbs.uz

- “SQB Securities” МЧЖ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорларини ривожлантириш Агентлиги томонидан 2020 йил 28 февралда берилган 1388-сонли лицензияга асосан Инвестиция воситачиси сифатида юритади.

- Жамият ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси ўртасида тузилган шартномаси санаси ва рақами: 19.10.2021 йил кунги №1/ККУ-сонли.

- Шартнома шarti: кафолатланган жойлаштириш мажбуриятисиз қимматли қоғозларини чиқарилишини ташкиллаштириш.

- Шартнома муддати: мазкур облигациялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб бир йил давомида.

20. Мустақил аудитор тўғрисидаги ахборот.

Сўнги тугалланган 2020 молия йилида жамият молия ҳисоботи аудитини амалга оширган аудиторлик ташкилоти:

Аудиторнинг фамилияси, исми, отасининг исми: Гайнуллина Г.М.

Лицензиянинг рақами ва берилган санаси: 01.04.2019 йил, 00745-сонли.

Аудиторлик ташкилотининг номи: «GLOBAL-AUDIT» МЧЖ Аудиторлик ташкилоти.

Жойлашган манзили ва алоқа маълумотлари: 100052, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Мирзо-Улугбек тумани, Оққурғон кўчаси, 23Б-уй.

21. Мазкур чиқарилиш билан боғлиқ тегишли хизматларни кўрсатиш бўйича шартнома тузилган юридик ва молия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг тўлиқ номи.

Юридик ва молия масалалари бўйича маслаҳатчилар жалб қилинмаган.

22. Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи ташкилотлар тўғрисида маълумот.

Жамият облигациялари ҳуқуқларининг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва Инвестиция воситачилари томонидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда юритилади.

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси тўғрисида маълумотлар:

- Тўлиқ номи: Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат корхонаси;

- Ташкилий ҳукукий шакли: Давлат корхонаси;

- Жойлашган ери ва почта манзили: 100170, Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси 107 уй.

- Алоқа телефонлар: +998 71 267-37-42, +998 71 267-35-92

- Факс: +998 71 267-37-42

- Электрон почта: info@deponet.uz

- Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 майдаги 263-сонли қарорига асосан юритади.

Мазкур чиқарилиш доирасида чиқарилган облигацияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачиси сифатида “SQB Securities” масъулияти чекланган жамияти билан хизмат кўрсатиш шартномаси тузилган.

Инвестиция воситачиси “SQB Securities” МЧЖ тўғрисида маълумотлар:

- Тўлиқ номи: “SQB Securities” масъулияти чекланган жамияти.
- Ташкилий ҳуқуқий шакли: МЧЖ.
- Жойлашган ери ва почта манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 3-уй.
- Алоқа телефони: +998 71 244-55-15, +998 97 134-12-77.
- Электрон почта: info@sqbs.uz

- “SQB Securities” МЧЖ ўз фаолиятини Инвестиция воситачиси сифатида Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорларини ривожлантириш Агентлиги томонидан 2020 йил 28 февралда берилган 1388-сонли лицензияга асосан юритади.

- Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи ташкилот билан тузилган шартнома санаси ва раками: 19.10.2021 йил кунги 1/ККУ-сонли.

23. Рўйхатга олинган облигациялар чиқарилишлари тўғрисидаги маълумотлар.

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқлангунга қадар, жамият томонидан илгари облигациялар чиқарилуви амалга оширилмаган.

4-боб. Жамиятнинг бошқарув ва ижро органлари тўғрисидаги маълумот

24. Жамият кузатув кенгаши аъзолари тўғрисидаги маълумотлар.

Кузатув кенгаши аъзосининг Ф.И.Ш.	Ҳозирги вақтда ва охириги 3 йилдаги эгаллаган лавозимлари	сайланган сана	Эмитентнинг устав фондидаги улуши	
			сон донал арда	Улуш % да
1	2		3	4
Кузатув кенгашининг раиси				
Холмуродов Дилшод Ибрагимович	2017-2020 йй.- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Статистика ва тадқиқотлар департаменти директори. 2020-2021йй. - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари. 14.07.2021й.-х.в. - Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари котибияти мудири.	08.11.2021й.	йўқ	йўқ
Кузатув кенгашининг аъзолари				
Набиев Тўлқин Набиевич	2019 й. - х.в. - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини	08.11.2021й.	йўқ	йўқ

	бошқариш агентлигининг Методология ва иқтисодий таҳлил бошқармаси бошлиғи, Йиғма фаолият таҳлили ва стратегик режалаштириш департаменти бошлиғи вазифасини бажарувчи, Методология, ҳудудлар ва таркибий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш йиғма ахборот-таҳлил департаменти бошлиғи.			
Мирзаев Тўлқин Эшқобилович	2017 - 2019 йй. Молия вазирлиги Агросаноат мажмуаси молияси бошқармаси бошлиғи. 2019 - 2020 йй. Молия вазирлиги Агросаноат мажмуаси ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш молияси бошқармаси бошлиғи. 2020 йилдан ҳозиргача Агросаноат мажмуаси ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш молияси департаменти директори.	08.11.2021й.	йўқ	йўқ
Аминов Рустам Анварович	2019-2020 йй. - Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи. 2020-2021 йй. - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчиси. 2021 й.-ҳ.в. - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи.	08.11.2021й.	йўқ	йўқ
Расулов Жаҳонгир Эгамбердиевич	2019 й. - х.в.- Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Методология ва иқтисодий таҳлил бошқармаси бош мутахассиси, Йиғма фаолият таҳлили ва стратегик режалаштириш департаменти бош мутахассиси.	08.11.2021й.	йўқ	йўқ
Имомов Воситжон Анварович	2018-2020 йй. - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори. 2020-2021 йй. - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Давлат инвестиция сиёсатини	03.08.2020й.	йўқ	йўқ

	шакллантириш ва таҳлил қилиш департаменти директори ўринбосари – йиғма бошқарма бошлиғи в.б. 2021 й. – х.в. - Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Аппарати раҳбари			
Кузатув кенгашининг мустақил аъзолари				
Ахмедов Тохиржон Хасанжон ўғли	10.2018 - 04.2020 йй. - «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот департаменти директори (Бош бухгалтер) ўринбосари. 04.2020 - 11.2020 йй. - Туронбанк АТБ Ғазначилик ва қимматли қоғозлар департаменти директори ўринбосари. 11.2020 - 12.2020 йй. - Туронбанк АТБ Ғазначилик ва қимматли қоғозлар департаменти директори в.б. 12.2020 - х.в. - Туронбанк АТБ Ғазначилик ва қимматли қоғозлар департаменти директори.	08.11.2021й.	йўқ	йўқ

25. Жамият кузатув кенгаши қўмиталари тўғрисидаги ахборот.

Жамият Кузатув кенгаши қўмиталари мавжуд эмас.

26. Жамиятнинг коллегиял (якка) ижроия органи тўғрисида маълумотлар.

Ижроия органи аъзосининг Ф.И.Ш.	Ҳозирги вақтда ва охириги 3 йилдаги эгаллаган лавозимлари	сайланган сана	Эмитентнинг устав фондидаги улуши	
			сони донала рда	Улуш % да
1	2	3	4	5
Бошқарув раиси				
Отажонов Нодир Собирович	Хозир - «O'zagrolizing» AJ бошқаруви раиси, 24.11.2020 йилдан бошлаб «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ бошқаруви раиси; 2019-2020 йиллар - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси- «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ бошқаруви раиси; 2019-2019 йиллар - Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш, инвестиция ва ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш масалалари бўйича маслаҳатчиси ўринбосари.	05.03.2021й.	2000	0,005
Аъзолар				
Насирдинов Азимжон Шомахмудович	Хозир - «O'zagrolizing» AJ бошқаруви раиси ўринбосари, 21.02.2022 йилдан бошлаб; 2016–2020 йиллар - Ўзбекнефтегаз» АЖ	21.02.2022й.	йўқ	йўқ

	молиявий ва комплаенс назорати департаменти бошлиғи ўринбосари. 2016–2020 йиллар – “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти Тошкент вилоят филиали директори.			
Курбонов Элмурод Сувонкулович	2016 йилдан ҳозирга қадар - «O'zagrolizing» AJ Молиявий-иқтисодий таҳлил бошқармаси бошлиғи.	29.11.2021й.	йўқ	йўқ
Қодирова Шахноза Шукуржон кизи	Ҳозир “O'zagrolizing” AJ Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими бошлиғи - Бош бухгалтер в.б.; 2016–2021 йй. – «O'zagrolizing» AJ Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими Бош бухгалтер ўринбосари.	29.11.2021й.	йўқ	йўқ
Махмудов Шерзод Кадиорович	Ҳозир - “O'zagrolizing” AJ Маркетинг ва сотишни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи; 2019-2020 йй.- “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ кадрлар, таълим ва малака ошириш бошқармаси бошлиғи; 2018-2019йй - “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ Ходимларни бошқариш бўлими мудири.	29.11.2021й.	йўқ	йўқ

27. Жамият ижроия органининг вазифаси топширилган ташкилот тўғрисидаги маълумот.

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқлангунга қадар, жамият ижроия органи бошқаруви вазифаси бошқа ташкилотга ёки ишончли бошқарув ташкилотига берилмаган.

28. Мукофот ҳамда иш ҳақининг умумий миқдори, шунингдек, сўнгги 3 йил учун мазкур Рисоланинг 24, 26 ва 27-бандларида кўрсатилган жамиятнинг шахсларига берилган ва тўланган имтиёзлар.

(млн. сум)

Мазмуни	2019 йил бўйича	2020 йил бўйича	2021 йил бўйича
Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига жами тўланган иш ҳаққи миқдори	117,92	186,49	229,04
Жамият ижроия органига жами тўланган иш ҳаққи миқдори	288,64	574,29	1026,4
Жамият ижроия органининг вазифаси топширилган ташкилотга тўланган иш ҳаққи миқдори	--	--	
ЖАМИ:	114,48	332,8	1 255,44

29. Жамиятнинг 5 ва ундан ортиқ фоиз акциялари (улуши)га эга бўлган акциядорлари (иштирокчилари).

№	Жисмоний шахснинг Ф.И.Ш ёки юридик шахснинг тўлиқ номи	Солиқ тўловчининг индивидуал рақами	Жойлашган ери (яшаш жойи) (давлат, вилоят, шаҳар, туман)	Акциядорнинг эмитент устав фондидаги улуши (% да)	Асос содир этилган сана
---	--	-------------------------------------	--	---	-------------------------

1	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги	201 122 696	100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 6	90,25	28.11.2018й.
---	--	-------------	---	-------	--------------

30. Жамиятнинг бошқа аффилиланган шахслари тўғрисидаги маълумотлар.

№	Жисмоний шахснинг Ф.И.Ш ёки юридик шахснинг тўлиқ номи	Жойлашган ери (яшаш жойи) (давлат, вилоят, шаҳар, туман)	Улар аффилиланган шахс деб эътироф этилиш асоси	Асос содир этилган сана
1	Холмуродов Дилшод Ибрагимович	Тошкент шаҳри	Кузатов кенгаши аъзоси	08.11.2021й.
2	Мирзаев Тўлқин Эшқобилович	Тошкент шаҳри	Кузатов кенгаши аъзоси	08.11.2021й.
3	Набиев Тўлқин Набиевич	Тошкент шаҳри	Кузатов кенгаши аъзоси	08.11.2021й.
4	Аминов Рустам Анварович	Тошкент шаҳри	Кузатов кенгаши аъзоси	08.11.2021й.
5	Имомов Воситжон Анварович	Тошкент шаҳри	Кузатов кенгаши аъзоси	03.08.2020й.
6	Расулов Жаҳонгир Эгамбердиевич	Тошкент шаҳри	Кузатов кенгаши аъзоси	08.11.2021й.
7	Ахмедов Тохиржон Хасанжон ўғли	Тошкент шаҳри	Кузатов кенгаши аъзоси	08.11.2021й.
8	Отажонов Нодир Собирович	Тошкент шаҳри	Жамият бошқарув раиси	24.11.2020й.
9	Насирдинов Азимжон Шомахмудович	Тошкент шаҳри	Жамият бошқарув аъзоси	21.02.2022й.
10	Махмудов Шерзод Кадирович	Тошкент шаҳри	Жамият бошқарув аъзоси	07.01.2021й.
11	Қурбонов Элмурод Сувонкулович	Тошкент шаҳри	Жамият бошқарув аъзоси	28.11.2019й.
12	Қодирова Шахноза Шукуржон кизи	Тошкент шаҳри	Жамият бошқарув аъзоси	07.01.2021й.
13	«UZMASHLIZING» МЧЖ	100011, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 42а-уй	Жамият қайси юридик шахс устав фондининг йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс	31.03.2010й.
14	«LIZING AXBOROT TEKNOLOGIYALARI» МЧЖ	100011, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 42а-уй	Жамият қайси юридик шахс устав фондининг йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс	12.08.2013й.
15	«LIZING TEXNIKA SERVIS» МЧЖ	100011, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 42а-уй	Жамият қайси юридик шахс устав фондининг йигирма фоизи ва ундан ортиқ	06.06.2016й.

			фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс	
16	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги	100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 6	Жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига эгалик қилувчи юридик шахс	28.11.2018й.
17	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги 20% ва ундан ортиқ улушга ега бўлган корхона ва ташкилотлар.	Ўзбекистон Республикаси	Жамият устав фондининг йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи айна бир шахс қайси юридик шахс устав фондининг йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс	28.11.2018й.

5-боб. Жамиятнинг молиявий-иқтисодий фаолияти кўрсаткичлари

31. Жамият фаолияти турлари.

а) асосий фаолият тури ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (хизматлар) турлари;

Жамиятнинг ягона фаолият тури – кишлоқ хўжалиги техникаларини лизингга бериш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 сентябрдаги “Кишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3929-сонли Қарорига асосан қуйидаги функциялар:

-лизинг олувчиларнинг лизинг асосида реализация қилинадиган замонавий кишлоқ хўжалиги ва бошқа техникаларга, ускуналар ҳамда мини технологияларга бўлган талабларини ўрганиш;

-аграр йўналишдаги фаолиятнинг устуворлигини таъминлаган ҳолда лизинг фаолияти йўналишларини диверсификациялаш ва кенгайтириш;

-замонавий, халқаро стандартларга жавоб берадиган лизинг хизматлари турларини ва инновацион молиявий маҳсулотларни жорий этиш;

-агросаноат комплекси, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг лизинг лойиҳалари ва тадбиркорликни молиялаштириш учун хорижий кредит линиялари ва халқаро молия институтларининг маблағларини жалб этиш;

-лизинг хизматларини кўрсатиш соҳасига замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш ва кадрлар малакасини оширилишини таъминлаш юзасидан.

б) жамиятнинг лицензиялари (патентлари) тўғрисидаги маълумотлар.

Жамият патентларга эга эмас ва лицензиялар олмаган.

32. Жамиятнинг бозордаги улуши тўғрисидаги маълумот.

Жамиятнинг бозордаги улуши

Йил	Умумий бозор қиймати, (млрд сўм)	O'zagrolizing кўрастиқчилари, (млрд сўм)	Бозор улуши, %
-----	-------------------------------------	--	-------------------

2018	2 634,4	758,4	29
2019	2 795,9	827,3	30
2020	1 852,7	723,2	39
2021	2 593,4	632,7	24

33. Соҳанинг келажакдаги тараққиёти борасидаги прогнозлар ва ушбу соҳадаги жамиятнинг ўрни.

Ўзбекистон Республикаси экспорт салоҳиятини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлида олиб бораётган ишлари қишлоқ хўжалиги машиналарига бўлган талабни кейинги 5 йилликда юқори даражада бўлишини таъминлайди.

“O'zagrolizing” AJ фаолиятидаги асосий йўналиш бугунги кунда “Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи” АЖ, “UzCaseMash” ҚҚ, “UzClass Agro” ҚҚ, “Агрегат заводи” АЖ ва бошқа заводлар маҳсулотларини лизинг асосида сотишдан иборат.

Жамият қишлоқ хўжалиги техникаси лизинги соҳасини ривожлантириш куйидаги сабабларга кўра катта истиқболга эга:

- ички бозорда ҳайдаш ва қатор экин тракторлари, йигим-терим техникаси ва тиркамалар (омоч, тиркама, сеялка, култиватор, ем-хашак йиғиш техникаси, пуркагич ва бошқалар) сотиб олиш бўйича молиявий хизматлар (лизинг)га талабнинг юқорилиги;

- нисбатан паст бошланғич сармоя: трактор ёки бошқа қишлоқ хўжалиги техникаси учун 100% олдиндан тўлаш ўрнига, фермер лизинг шартларига кўра 25-30% аванс тўлаши, қолганини эса ускунадан фойдаланишдан тушган маблағ билан тўлаш имконияти мавжуд;

- гаров талаб қилинмайди: банкдан кредит олиш учун фермер сотиб олинган техника қийматининг 125 фоизи миқдорида гаров тақдим этиши керак. Усқунанинг юқори нархи ва мавжуд гаровнинг арзонлиги туфайли бу катта муаммо (қишлоқлардаги кўчмас мулк шаҳарлардаги каби талабнинг йўқлиги сабабли юқори қийматга эга эмас). Лизинг ҳолатида усқунанинг ўзи гаров сифатида хизмат қилиши мумкин;

- молиявий хизматлар бозорида қишлоқ хўжалиги техникаси лизингининг ривожланмаганлиги ва бошқалар.

Ковид-19 пандемияси озиқ-овқат таъминоти занжирининг узилиши орқали деярли барча мамлакатларда глобал озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари мавжудлигини яққол кўрсатиб берди. Республика ҳукумати мавжуд вазиятдан тўғри хулоса чиқариб, қишлоқ хўжалиги ва агросаноат комплексини ривожлантиришни устувор вазифа этиб белгилади.

Айни пайтда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шартларидан бири экин етиштириш бўйича агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўлиб, бу пировардида ер унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошишига таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик мақсадида қишлоқ хўжалиги экинларини ўз вақтида йиғиб олиш, қайта ишлаш ва сақлаш пунктларига етказиб бериш муҳим аҳамиятга эга. Юқоридаги ишларни ўз вақтида ва сифатли бажаришнинг зарур шarti фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарини замонавий, юқори унумли техникалар билан таъминланган бўлишидир.

Юқорида берилган маълумотлар лизинг сектори ривож ҳали-бери тўхтамасилигини кўрсатади.

Жамият ўз ресурсларидан унумли фойдаланиб, лизинг портфелини кенгайтириш ҳисобига даромадини оширади ва лизинг бозорида етакчи ўрнини сақлаб қолади.

34. Сўнги 5 йил ичида ёки жамиятнинг расмий фаолияти даврида сотилган маҳсулотлар (бажарилган иш, хизматлар) ҳажми.

Жамият томонидан сўнги 5 йил мобайнида қишлоқ хўжалиги корхоналарига **26 819** дона **3,42** триллон сўмлик қишлоқ хўжалиги техникалари ва механизмлари етказиб берилди.

35. Жамиятнинг ўз маҳсулотлари (ишлари, хизматлари)ни сотишни ташкил этиш бўйича фаолияти.

№	Ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи корхоналар номи	Жойлашган манзили
1	“Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” АЖ	100142, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли, 434
2	“Тошкент Агро Трактор” МЧЖ	100142, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли, 434
3	“UzCaseMash” ҚК МЧЖ	Тошкент, Бектемир тумани, Охангарон, 2
4	“UzCLAAS Agro” МЧЖ	100142, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли, 434
5	“Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” АЖ	111714, Тошкент вилояти, Чирчиқ, Навоий шох кўчаси, 92
6	“Агрегат заводи” АЖ	100057, Тошкент, Олмазор тумани, Уста Ширин, 117
7	“LEMKEN-Chirchiq” ҚК МЧЖ	100057, Тошкент, Олмазор тумани, Уста Ширин, 117
8	“TECHNOLOG” АЖ	100016, Тошкент, Яшнобод тумани, С. Машхадий, 210
9	“Urgenchkormmash” АЖ	220100, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Хонка кўчаси, 26

- жамият ишлаб чиқарадиган товарлар (иш, хизмат) умумий ҳажмининг 10 ва ундан ортиқ фоизини истеъмол қиладиган истеъмолчилар номи ва жойлашган манзили).

Жамият таклиф этаётган хизматлар умумий ҳажмининг 10 ва ундан ортиқ фоизини истеъмол қилувчи истеъмолчилар йўқ. Жамиятнинг мижозлари фермер хўжаликлари ва кластерлар бўлиб, уларнинг сони 15 000 дан ортиқ ва уларнинг умумий ҳажмдаги улуши 0,1% дан ҳам кам.

36. Жамият фаолиятига таъсир қиладиган омиллар:

а) жамият фаолияти асосий турлари бўйича савдо (иш, хизмат) даромадлилигига ижобий ва салбий таъсир қиладиган омиллар;

Жамият фаолияти асосий тури бўйича даромадлилигига ижобий таъсир қиладиган омиллар:

- Кредит фоизларининг пастлиги;
- Қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари нархининг пасайиши;
- Контрагентлар ва мижозларнинг лизинг тўловларини шартномада кўрсатилган муддатларда ва ҳажмда тўлаши;
- Суғурта ва бошқа ҳамроҳ тўловлар ставкасини пасайиши.

Жамият фаолияти асосий тури бўйича даромадлилигига салбий таъсир қиладиган омиллар:

- Мавжуд солиққа тортиш даражаси;
- Кредит олишда қийинчилик;
- Лизинг фаолиятини норматив-ҳуқуқий тартибга солишнинг номукамаллиги;

- Тижорат кредитининг юқори фоизи;
- Молиявий ресурсларнинг етишмаслиги.

б) жамиятнинг суд жараёнларидаги иштироки тўғрисидаги маълумотлар;

Жамият фаолиятининг тўхтатилиши хавфи ёки ўзгариши, жамият активлари умумий ҳажмининг 10 (ўн) ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги пул ва бошқа мажбуриятларнинг ундирилиши билан боғлиқ суд жараёнлари мавжуд эмас.

в) ваколатли давлат органлари ва (ёки) суд томонидан сўнгги 3 йил давомида жамиятга ва унинг бошқарув органи аъзоларига нисбатан қўлланган барча маъмурий жазолар (санкциялар, жумладан молиявий) тўғрисидаги маълумотлар;

Охириги уч йил давомида ваколатли органлар томонидан жамиятга ва унинг бошқарув органи аъзоларига нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилмаган.

г) таваккалчилик омиллари:

жамият фаолияти билан боғлиқ хавф-хатарлар;

(Жамият фаолиятига хос ёки асосий молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ хавф-хатарлар, жумладан, қуйидагилар билан боғлиқ хатарлар тавсифланади:

Жамият ўз фаолияти давомида, ҳар қандай тижорат юритувчи юридик шахс сифатида, турли хил хавф-хатар, таваккалчилик омиллари билан тўқнаш келади ва Жамиятнинг муваффақияти бу қийинчиликларни қандай енгиб ўтиши билан ўлчанади. Жамиятнинг кўп йиллик тажрибаси асосида яратилган ишлаш тизими кўп хавф-хатарларни пайдо бўлмасидан олдинроқ бартараф қилишни таъминлайди.

Маълум турдаги фаолиятни юритиш учун ёки муомаласи чекланган объектлар (жумладан, табиий ресурслар)дан фойдаланиш учун лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш имкониятининг йўқлиги:

Жамиятнинг ўз фаолиятини олиб бориш жараёни ҳеч қандай лицензия ёки рухсатномалор орқали тартибга солинмайди ва уларга боғлиқ эмас. Жамиятнинг асосий фаолияти лицензия талаб қилмайдиган фаолият: қишлоқ хўжалик техникаларини лизингга бериш ва бошқа қонун тарафидан тақиқланмаган тижорий ҳаракатлар олиб боришдан иборатдир.

Учинчи шахслар, жумладан, жамиятнинг шўба ташкилотлари бўйича жамият жавобгарлиги;

Жамият ва унинг шўба корхоналари мустақил иқтисодий фаолият олиб боровчи юридик шахс ҳисобланади. Шу сабаб, Жамият шўба корхоналарининг жавобгарликлари ва мажбуриятларига ва шу пайтнинг ўзида, шўба корхоналар Жамиятнинг жавобгарликлари ва мажбуриятларига жавобгар эмас.

Савдо ҳажми маҳсулот (иш, хизмат)ни сотишдан олинadиган жами даромаднинг камида 10 (ўн) фоизига тўғри келадиган истеъмолчиларни йўқотиш эҳтимоли).

Бундай эҳтимол мавжуд эмас, чунки жамиятнинг асосий мижозлари - фермер хўжаликлари ва кластерлар бўлиб, уларнинг сони 15 000 дан ортади. Улардан келиб тушадиган даромад ҳажми умумий тушумнинг 0,1 фоизига ҳам тўғри келмайди.

- тармоқ хавф-хатарлари;

Тармоқ хавф-хатарлари: бозорларни маҳсулотлар билан тўлиб кетиши, рақобатни кучайиши, рақобатчиларнинг нархларни демпинг қилиш эҳтимоли; асосий ишлаб чиқарувчининг бозорни монополиялаштириши ва сабабсиз нархларни кўтариб юбориш эҳтимоли.

Техникаларнинг нархи баландлиги ва уни сотишдан келадиган фойданинг нисбатан камлиги (кам рентабеллиги) бозорга кириш учун кўп инвестиция талаб қилади. Бу эса, ўз навбатида рақобатчиликни жуда ҳам кучайиб кетишига йўл қўймайди. Ҳозирги

кунда қишлоқ хўжалик машиналарига бўлган талаб таклифга қараганда анча юқори эканлиги демпинг эҳтимолини камайтиради. Шу билан бирга, бозор эркинлиги, Давлат томонидан савдо-сотикқа кенг йўл очиб берилиши монополияларнинг пайдо бўлишига йўл қўймайди.

Жамият ўз фаолиятида фойдаланадиган хомашё, хизматлар (ички ва ташқи бозорда алоҳида) нархларининг ўзгариши билан боғлиқ хатарлар алоҳида баён қилинади.

Жамиятнинг асосий хом-ашёси – молиявий ресурслардир (пул). Хом-ашё билан боғлиқ энг катта хавф – тижорат банклардаги кредит ресурсларнинг тақчиллига ва уларнинг катта фоизлари. Бундан ташқари, лизинг олувчи ўз вақтида тўлов бўйича мажбуриятларини вақтида бажармаслиги ва шунинг оқибатида, тижорий банклар олдидаги мажбуриятларни бажара олмаслик ушбу хатарлар сафига киради.

Бу хавф-хатар Жамиятнинг қисқа муддатли хатари бўлиб, узоқ муддатда Жамиятнинг фаолиятига қаттиқ таъсир қилмайди. Давлатимиз томонидан олиб борилаётган ишлар, Жамият олдида корпоратив облигациялар, акциялар чиқариш, маҳаллий ва хорижий банклардан кредит олиш каби йўллари очиб беряпти.

Жамият маҳсулотлари ва (ёки) хизматлари нархларининг ўзгариши билан боғлиқ хатарлар (ички ва ташқи бозорда алоҳида), ва уларнинг жамият фаолиятига бўлган таъсири алоҳида баён қилинади).

Юқорида кўрсатиб ўтилган хавф-хатарлар минимал бўлиб, Жамият фаолиятиги деярли таъсир қилмайди. Чунки, фоиз ставкалари, олинadиган маржа ва фойдалар бозордаги нархларнинг ўзгаришига боғлиқ эмас. Ҳар бир лизингга бериладиган техника учун алоҳида шартнома тузилиб, унда ўша кунда кучда бўлган ставкалар ва шартлар қўлланилади ва бу шартлар икки томон ўртасида шартнома шартлари тўла бажарилгунга қадар ўзгармайди.

- молиявий хавф-хатарлар;

(Жамият молиявий аҳволининг фоиз ставкалари, хорижий валютани айирбошлаш курси, шунингдек, қимматли қоғозларга бўлган бозор нархларининг салбий томонга ўзгаришига алоқадор хатарларга боғлиқлиги баён қилинади.

Жамиятнинг фаолияти бутунлай маҳаллий бозорга боғлиқлиги сабабли, валюта айирбошлаш курсининг ўзгариш хавфи мавжуд эмас. Ҳатто чет элдан келтирилган техникалар маҳаллий дилердан сўмда сотиб олинади ва валюта курси ўзгариш хавфи шу дилер зиммасига юклатилади.

Фоиз ставкалари ташқи омилларга боғланмаган ҳолда, олдиндан узоқ муддатга келишилади ва шартномага киритилади. Бу эса, фоиз ставкаларининг бирдан ўзгариш хавф-хатарини олдини олади.

Жамият молия активлари ва молия мажбуриятлари номувофиқлиги (жумладан, жамиятнинг бир ёки бир неча контрагентлари молия мажбуриятларини ўз вақтида бажармаслиги оқибатида) ва (ёки) қутилмаганда жамият молия мажбуриятларини зудлик билан бир вақтнинг ўзида амалга ошириш зарурати юзага келиши оқибатида жамият ўз мажбуриятларини тўла бажара олмаслиги билан боғлиқ хатарлар алоҳида баён қилинади.

Ҳар қандай молиявий хавф-хатарларни олдини олиш мақсадида, Жамият максимал даражада узоқ муддатли кредитлар ва заёмлар олишга ҳаракат қилади ва ҳар қандай қисқа муддатли кредитлар биринчи иложиси пайдо бўлиши билан сўндирилади.

Узоқ муддатли кредит олиш:

1. Тушум ва ҳаражатларни олдиндан режалаштиришни;
2. Мавсумли тушумнинг ўзгаришларини режалаштиришни таъминлайди ва;
3. Ҳар қандай қутилмаганда жамият молия мажбуриятларини зудлик билан бир вақтнинг ўзида амалга ошириш зарурати юзага келишини олдини олади.

Албатта, бир ёки бир неча контрагентлари молия мажбуриятларини ўз вақтида бажармаслиги оқибатида Жамият ўз мажбуриятларини бажаришида кечикиши мумкин,

лекин Жамиятнинг жорий активлари ҳар қандай мажбуриятларни тўла бажара олмаслиги билан боғлиқ хавф-хатарларни (дефолт) олдини олади.

Молия хатарлари таъсирида молия ҳисоботининг қайси кўрсаткичлари ўзгаришга кўпроқ мойиллиги, уларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли ва ҳисоботда ўзгариши характери кўрсатилади)

- ҳуқуқий хавф-хатарлар;

Қонунчиликдаги ўзгаришлар (масалан, субсидияни олиб ташланиши, қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан фондлар ажратилишининг камайиши ёки умуман олиб ташланиши) Жамият тушумига салбий таъсир қилиши кутилади. Лекин бошқа молиялаштириш ресурсларининг (облигация ва акциялар эмиссияси, тижорат банклари кредит ва заёмлари) мавжудлиги ва жорий активлар Жамиятни бутунлай инқирозга учрашишига йўл қўймайди.

- операцион хавф-хатарлар;

Жамиятнинг контрагентлари молия мажбуриятларини ўз вақтида бажармаслиги оқибатида, банклар олдида олинган мажбуриятлар бажарилишини кечикишига, бу эса ўз навбатида қутилмаган жарима ва пеняларни тўланишига ва Жамиятнинг соф фойдасини камайишига сабаб бўлади. Бундай хавф-хатар тез-тез рўй бермасда, лекин Давлат томонидан етиштирилган ҳосил учун ўз вақтида етарлича ҳақ тўланмаслиги сабаб, шундай ҳолатлар бўлиши кутилади.

Валюта курсининг бирдан катта қийматга ўзгариши. 2017 йил охири – 2018 йил бошида Ўзбекистонда олиб борилган валюта бозорининг ислохоти туфайли, курслар тахминан икки баробарга ошган. Бундай хавф-хатарни валюта билан боғлиқ шартномалар тузилганда инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

- жамият қимматли қоғозларини харид қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун муҳим деб билган бошқа хавф-хатарлар.

Бошқа хавф-хатарлар Давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар, бозорда рақобатчиликни ошириш, монополияларни йўқ қилиш (Жамиятнинг бозор улуши 50% ошса, монополиялар сафига қўшилиш хавфи) кабилар кирса, шу пайтнинг ўзида ушбу ислохотлар Жамият учун бошқа имкониятлар яратиб бермоқда. Имкониятлар ҳар қандай хавф-хатар келтириб чиқариши мумкин бўлган молиявий йўқотишларни бартараф қилиб, жамият рентабеллик даражасини кўтаришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқлангунга қадар, жамият қимматли қоғозларини харид қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун муҳим деб билган бошқа хавф-хатарлар мавжуд эмас.

37. Хатарларни бошқаришда жамият сиёсати тўғрисидаги маълумотлар.

Жамият ташқи ва ички хатарларни бошқаришда авваламбор Давлат томонидан қабул қилинган қарорлар, ички маъмурий ҳужжатлар асосида иш олиб боради.

Қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарувчи заводлар қошида трактор мотор парклари, техник кўрикдан ўтказиш марказлари очиш ва юритишни таъминлаш, улар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш; ёш мутахассисларни, техниклар ва ҳайдовчиларни тайёрлаш, уларнинг тажрибасини ошириш; Давлат татбиқ этган қонун ва қоидаларни сўзсиз бажарилишини таъминлаш; техникаларни суғурталаш хатарларнинг камайишининг ташқи омилларидир.

Жамиятнинг ички маъмурий ҳужжатлари асосида қатъий иш олиб бориш, коррупцияга қарши курашиш; кадрларнинг илмий, маънавий салоҳиятини кўтариш, уларни замон талабларига мос илм ва тажрибалар олишига шарт-шароитлар яратиб бериш; қилган ишига етарли иш ҳақи ва бонуслар бериш, Жамиятга келтирган фойдасига муносиб равишда рағбатлантириб бориш хатарларнинг келиб чиқиш омилларини ичидан бартараф қилади.

38. Жамиятнинг устав капитали тўғрисидаги маълумотлар.

Уставга кўра устав капитали ҳажми: 105 681 835 545,00 (бир юз беш миллиард олти юз саксон бир миллион саккиз юз ўттиз беш минг беш юз қирқ беш) сўм.

Ҳисоб баланси бўйича устав капитали ҳажми: 105 681 835 545,00 (бир юз беш миллиард олти юз саксон бир миллион саккиз юз ўттиз беш минг беш юз қирқ беш) сўм.

Устав капитали 100% ҳажмда тўланган: 105 681 835 545,00 (бир юз беш миллиард олти юз саксон бир миллион саккиз юз ўттиз беш минг беш юз қирқ беш) сўм.

39. Жамиятнинг ўз капитали тўғрисидаги маълумотлар, сўмда.

Жамиятнинг 2022 йил 1 апрел ҳолатига ўз капиталининг миқдори 153 519 547 600 (бир юз эллик уч миллиард беш юз ўн тўққиз миллион беш юз қирқ етти минг олти юз) сўмга тенг.

40. Захира фонди тўғрисидаги маълумот.

Жамият Устави бўйича, Захира фонди жамият устав капиталининг ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда ташкил этилади.

Захира фонди жамият уставининг 65-бандига асосан, белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаган мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали шакллантирилади.

Захира фонди мазкур облигация чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги ҳақиқий миқдори (бухгалтерия балансининг 31.12.2021 й. маълумотлари бўйича) 14 638 589 900 (ўн тўрт миллиард олти юз ўттиз саккиз миллион беш юз саксон тўққиз минг тўққиз юз) сўмни ташкил қилади, яни 13,85% шакллантирилган.

41. Асосий молиявий кўрсаткичлар.

Жамият фаолияти 2021 йилнинг якуни бўйича тузилган молиявий баланс ҳисоботи бўйича қуйидаги кўрсаткичларга эга:

(минг сўмда)

Ёзувлар мазмуни	2021 йил якуни бўйича
АКТИВ	
Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати	47 685 616,3
Узоқ муддатли инвестициялар, жами	3 115 401,8
Капитал қўйилмалар	41 452 650,0
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари	1 222 006 943,7
Товар-моддий захиралари, жами	3 912 210,2
Дебиторлар, жами	785 309 162,7
Жорий активларнинг, жами	794 249 855,8
Баланс активи бўйича, жами	2 108 510 467,6
ПАССИВ	
Устав капитали	105 681 835,6
Резерв капитали	14 638 589,9
Тақсимланмаган фойда	31 680 589,3
Жами капитал	152 001 014,8
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами	1 575 455 851,9

Жорий мажбуриятлар	381 053 600,9
Жами мажбурият ва капитал	2 108 510 467,6

Жамиятнинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи кўрсаткичлари қуйидагича:

(минг сўмда)

Ўзувлар мазмуни	2021 йил якуни бўйича
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушим	283 178 313,0
Давр харажатлари, жами	87 500 835,4
Асосий фаолитнинг фойдаси	183 389 168,7
Молиявий фаолият бўйича харажатлар	4 534,0
Соф фойда	20 376 218,2

Жамият юқоридаги маълумотларга асосан қуйидаги кўрсаткичларга эга:

Нисбий кўрсаткичларни таҳлили	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Ўз капиталининг рентабеллик коэффиценти	8,04%	10,68%	13,41%
Активлар рентабеллиги коэффиценти	0,58%	0,73%	0,91%
Операцион EBITDA- Капитал қўйилмалар / Қатий тўловлар	3 084,04%	3 944,79%	3230,20%
Мутлақ ликвидлик коэффиценти	11,62%	13,69%	40,60%
Фоизларни қоплаш коэффиценти	165,49%	139,58%	140,10%

Рентабеллик кўрсаткичлари:

(млн. сўм)

Кўрсаткич	2019 й.	Ўзгариш (%)	2020 й.	Ўзгариш (%)	2021 й.	Ўзгариш (%)
Таксимланмаган фойда	14 765	264,75%	23 855	161,56%	31 680	132,80%
Соф фойда	10 748	496,67%	15 291	142,27%	20 376	133,25%

42. Жамиятнинг ҳисоб юритиш сиёсати ҳақидаги маълумотлар.

Жамиятнинг ҳисоб сиёсати Адлия вазирлигининг 1998 йил 14 августдаги 474-сон қарори асосида тасдиқланган 1-сонли “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС) асосида амалга оширилади, ушбу стандарт Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солишнинг элементи тизимлари ҳисобланади. Бухгалтерия сиёсати бошқа Миллий Бухгалтерия Стандартлари (МБС) билан биргаликда қўлланилади.

43. Сўнгги икки тугалланган молиявий йил учун даромаддан фойдаланиш асосий йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар, минг сўм.

2019-2020 йиллар бўйича даромаддан фойдаланиш асосий йўналишлари.

(минг.сўм)

№	Йўналиш	2019 й.	2020 й.
1	Захира фондига	537 412,4	764 562,25
2	Овоз берувчи оддий акцияларга дивиденд учун	9 137 093,2	11 460 978,20

3	Имтиёзли акцияларга дивиденд учун	12 675,0	12 675,00
4	Муаммоли активларга эҳтимолий йўқотишларга қарши захира яратиш	1 061 067,9	3 042 233,15
5	Ўз вазифасини бажарган давр учун Тафтиш комиссияси аъзоларига бир маротабалик ҳақ тўлашга		10 796,40
	Жами:	10 748 248,5	15 291 245,00

44. Мазкур Рисола тасдиқланган кунгача сўнгги йил учун аффилиланган шахслар билан тузилган йирик битимлар тўғрисидаги маълумотлар.

Битим тузилган сана	Контрагент номи	Битим мавзуси	Сумма (млн.)	Битим бўйича эмитент ким (товар ва хизматларни оловчи / бегоналаштирувчи)
28.01.2021	“Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” АЖ	Қишлоқ хўжалиги техникаси	196 650,8	оловчи
20.01.2021	“Технолог” АЖ	Қишлоқ хўжалиги техникаси	43 401,3	оловчи
20.01.2021	“Урганчкорммаш” АЖ	Қишлоқ хўжалиги техникаси	57 922,7	оловчи
13.01.2021	“Агрегат заводи” АЖ	Қишлоқ хўжалиги техникаси	34 003,8	оловчи

45. Жамият активлари умумий ҳажмининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган активлар, ҳар бир активнинг тегишли баланс қиймати кўрсатилади.

Жамият активлари умумий ҳажмининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган активлар, мавжуд эмас.

46. Жамият активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги дебиторлик қарзи.

Жамият активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги дебиторлик қарзи бор ягона корхона йўқ, барча дебиторлик қарзлари 15,0 мингдан ортиқ фермер ва кластерлар орасида тақсимланган.

47. Жамиятнинг аосий фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ва жамият мажбуриятлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи.

Тижорат банклари

(млн сўмда)

	2022 йил				2023 йил	2024 йил	2025 йил
	I чор.	II чор.	III чор.	IV чор.			
Агробанк	21 245,1	21 245,1	21 245,1	21 245,1	75 875,8	70 896,6	12 385,0
Халқ банки	15 290,7	15 290,7	15 290,7	15 290,9	61 163,0	61 163,0	30 888,8

48. Жамият томонидан асосий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган, жамият мажбуриятларининг баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи.

Жамиятнинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлари йўқ.

49. Сўндирилмаган кредитлар (қарзлар) тўғрисидаги маълумотлар.

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқланган кунга қадар, жамиятнинг қуйидагича сўндирилмаган кредитлари (қарзлар) мавжуд:

№ т/р	Банк номи	Кредит шартномасининг тугаш санаси	Муддати (йил)	Асосий шартлари	01.01.2022 ҳолатига сўндирилмаган тўлов қисми
1	«Асака банк» АТБ	07.11.2022	5	айланма маблағи	5 555
2	«Агробанк»				379 511
1	«Агробанк» АТБ	03.05.2022	5	айланма маблағи	600
2	«Агробанк» АТБ	14.08.2022	5	айланма маблағи	4 920
3	«Агробанк» АТБ	10.10.2022	5	айланма маблағи	3 673
4	«Агробанк» АТБ	05.12.2022	5	айланма маблағи	6 576
5	«Агробанк» АТБ	20.12.2022	5	айланма маблағи	20 381
6	«Агробанк» АТБ	15.03.2023	5	айланма маблағи	4 005
7	«Агробанк» АТБ	08.04.2023	5	айланма маблағи	4 125
8	«Агробанк» АТБ	25.04.2023	5	айланма маблағи	6 550
9	«Агробанк» АТБ	27.11.2024	5	айланма маблағи	242 000
10	«Агробанк» АТБ	16.04.2025	5	айланма маблағи	30 182
11	«Агробанк» АТБ	03.06.2025	5	айланма маблағи	26 012
12	«Агробанк» АТБ	16.12.2021	9 ой	айланма маблағи	0
13	«Агробанк» АТБ Тош вил	15.05.2023	5	айланма маблағи	4 811
14	«Агробанк» АТБ Тош вил	16.04.2024	5	айланма маблағи	25 676
3	«Asia allians bank»	19.05.2023	5	айланма маблағи	9 999
4	«Халқ банк»				266 518
1	«Халқ банк» АТБ Тўй-Тева	20.04.2026	7	айланма маблағи	126 519
2	«Халқ банк» АТБ Келес	15.06.2025	5	айланма маблағи	46 666
3	«Халқ банк» АТБ Бўстонлиқ	11.03.2026	5	айланма маблағи	93 333
5	«Микрокредитбанк»	22.04.2026	7	айланма маблағи	46 226
	ЖАМИ				707 809

50. Солиқ тўловлари бўйича муддати ўтиб кетган қарз миқдори, сўмда.

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқланган кунга қадар, жамиятнинг солиқ тўловлари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликлари мавжуд эмас.

51. Активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этган жамиятнинг инвестициялари тўғрисидаги маълумотлар.

№	Номи	Суммаси	Йўналиши
1	“Узмашлизинг” МЧЖ	2 665,8 млн сўм	Қишлоқ хўжалик машиналарини лизингга бериш
2	“Лизинг Техника сервис” МЧЖ	3 600,0 млн сўм	Қишлоқ хўжалик машиналарига техник сервис хизматини кўрсатиш

6-боб. Якуний қоидалар**52. Мазкур Рисола нусхалари ва асл нусхаси билан танишиш тартиби ва жойи тўғрисида маълумот.**

Мазкур облигацияларни чиқарилиши тўғрисидаги Эмиссия рисоласининг асли нусхалари билан Тошкент шаҳар, Бобур кўчаси, 42-А уй манзилида жойлашган жамиятнинг маъмурий биносидан, ҳафтанинг иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача бўлган вақт давомида танишиш мумкин.

Шунингдек облигацияларни чиқарилиши тўғрисидаги Эмиссия рисоласининг нусхалари билан:

- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг корпоратив ахборотлар ягона портали (www.openinfo.uz);
- Республика фонд биржасининг расмий веб-сайти (www.uzse.uz);
- жамиятнинг расмий веб-сайти (www.uzal.uz) орқали танишиш мумкин.

53. Қимматли қоғозларнинг чиқарилиши шартлари жойлаштириладиган ахборот-маълумот тизимлари, даврий нашрлар манзиллари ва номлари.

Ушбу облигацияларни чиқарилиши билан боғлиқ ахборот-маълумот тизимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда қуйидагича веб-сайтларда ошкор қилинади:

- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг корпоратив ахборотлар ягона портали (www.openinfo.uz);
- Республика фонд биржасининг расмий веб-сайти (www.uzse.uz);
- жамиятнинг расмий веб-сайти (www.uzal.uz).

54. Жамият қимматли қоғозларини сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун жамиятнинг фикрига кўра ошкор этилиши зарур бўлган бошқа маълумотлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сон фармони билан берилган топшириқлар ижроси “O'zagrolizing” AJ томонидан тўлиқ таъминланди.

2020 йил якунлари бўйича 15,3 млрд. сўм соф фойда олинди, шундан 11,5 млрд. сўм дивиденд тўланди.

Жорий йил якунига қадар жами қиймати 830,0 млрд. сўмлик (ўтган йилга нисбатан 133,14 фоизга кўп) 4 572 дона қишлоқ хўжалиги техникалари лизингга етказиб

берилиши таъминланади. Натижада, 20 млрд.сўмдан ортиқ соф фойда олиниб, шундан 15 млрд. сўмгача дивиденд тўланишига эришилади.

Жамиятнинг беш йиллик ривожланиш истикболлари бозорни ва кишлоқ хўжалиги техника таъминоти ҳолатини чуқур таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган.

Ҳисоб-китобларга кўра, кейинги беш йилда кишлоқ хўжалигини механизациялаштириш даражаси янги босқичга кўтарилиши натижасида йилига 1 трлн.сўмдан юқори қийматда, йирик ҳажмда кишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб беришни тақозо этмоқда.

Жамият томонидан 2022-2026 йиллар мобайнида жами қиймати 7,6 трлн. сўмлик 43 100 дан ортиқ кишлоқ хўжалиги техникалари етказиб берилиб, 2026 йилга бориб лизинг портфели 3,2 трлн. сўмга етказилади.

Натижада йилма-йил юқори ўсиш суръатлари таъминланиб, соф фойда миқдори 229 млрд. сўмга, жами дивиденд тўлови миқдори 100 млрд.га етказилади.

2022 йилдан устувор равишда сув тежамкор технологиялар, лазерли ер текислагичлар, пахта териш машиналари, чорвачилик, боғдорчилик, шолчилик ҳамда мева-сабзавот йўналишлари учун махсус техника ва механизмларига устувор аҳамият қаратилади.

Жамият фаолиятининг барча жабҳаларида рақамли технологиялар кенг миқёсда қўлланилмоқда.

Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматнинг ривожланиш ҳолатини рейтинг баҳолаш тизимида 2021 йилнинг якунлари бўйича Жамиятнинг умумий тўплаган бали 88,41 фоизни ташкил этиб, республикадаги хўжалик бошқаруви органлари орасида энг юқори натижа кўрсатган 5 та ташкилот рўйхатида киритилди.

Мазкур рисола бандларида жойлаштирилган жамият тўғрисидаги барча маълумотлар ошкор этилган.